

МУЛК ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11393073>

Тахиров Фарход

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети
профессори, ю.ф.д., профессор*

Аннотация

мақолада инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларидан бири бўлган мулк ҳуқуқи ва унга бўлган муносабатлар илмий таҳлил этилган бўлиб, мулк шакллари, турлари ва уларни ишончли ҳимоя қилиш усулларига бағишланади. Муаллиф мазкур мақолада мулкнинг муносабатлар тушунчаси ва турларига батафсил тўхталиб ўтган.

Калит сўзлар

мулк, ҳуқуқ, эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, шартнома.

ПОНЯТИЕ, ВИДЫ СОБСТВЕННОСТИ И МЕТОДЫ ЕЕ ЗАЩИТЫ

Тахиров Фарход,

*Профессор Университета общественной безопасности Республики Узбекистан,
доктор юридических наук*

Аннотация

статья представляет собой научный анализ права собственности и отношения к нему, одного из экономических прав человека, и посвящена формам, видам собственности и методам их надежной защиты. В данной статье автор подробно остановился на понятии и видах имущественных отношений.

Ключевые слова

собственность, права, владение, пользование, распоряжение, договор.

THE CONCEPT, TYPES OF PROPERTY AND METHODS OF ITS PROTECTION

Tahirov Farhod,

*Professor of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan, Doctor of
Law*

Annotation

The article is a scientific analysis of property rights and attitudes towards it, one of the economic human rights, and is devoted to the forms, types of property and methods of their reliable protection. In this article, the author elaborated on the concept and types of property relations.

Keywords

ownership, rights, possession, use, disposal, contract.

Мулк ва унга оид муносабатлар тўғрисида меъёрий ҳужжатлар ва юридик адабиётларда тарифлар берилган. Мулк – моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигида бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилишидир. Мулкка эгалик ҳуқуқи ҳамда мулк объектларига эгалик, уларни бўлиш, тақсимлаш бўйича кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир[1].

Мулк объекти ер ва ер ости бойликлари, корхона, бино, иншоотлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Моддий ва маънавий неъматларни амалда ўзлаштирувчилар мулк субъектлари, яъни эгалари ҳисобланади[2]. Буларга айрим кишилар, оилалар, жамоалар ва давлат киради. Мулкдан амалда фойдаланиб, бундан наф кўриш мулкни иқтисодий тасарруф қилиш ҳисобланади.

Кишиларнинг моддий неъматларни яратишдаги, уларни тақсимлаш ва истеъмол этишдаги ўрни, сиёсий ҳаётда тутган мавқеи, асосан, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишларига боғлиқ. Жамият таракқиёти тарихида эгалик қилиш шаклига кўра мулкнинг бир неча тури бор: ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқарувчи кучлар ғоят паст ривожланганидан кишилар биргаликда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб меҳнат қилишган. Шубҳасиз, шундай шароитда меҳнат қуроллари ва маҳсулотлари жамоанинг умумий мулки бўлган. Меҳнат қуроллари ва меҳнат малакаси юксалгач, кишилар яқка ҳолда меҳнат қила оладиган бўлди. Бу ўзгариш туфайли жамоа мулки парчаланиб, хусусий мулкка айланган.

Хусусий мулк – бу мулкни ўзлаштиришнинг хусусий усулига асосланган шакли[3]. У икки хил бўлади:

1. Индивидуал – яқка хусусий мулк, яъни айрим шахслар ёки оилаларга тегишли мулк;

2. Корпоратив хусусий мулк, бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк. Корпоратив мулк дивиденд келтирувчи мулкдир.

Жамоа мулки – бу жамоага ихтиёрий равишда бирлашган кишиларнинг умумий мулки бўлиб, бу мулкнинг эгалари шу жамоада меҳнат қилиши шарт. Бу ерда мулк эгаси айни бир вақтда шу мулкни амалда ишлатувчи ҳам ҳисобланади[4].

Давлат мулки – давлат ихтиёрида бўлган мулк, давлат ҳокимияти органлари томонидан тасарруф этиладиган монополлашган мулкдир. Бундай мулк объекти – ер, табиат ресурслари, асосий воситалар, бинолар, молия, моддий ресурслар, ахборот, моддий ва маънавий бойликлар бўлиши мумкин. Бу мулк ижтимоий неъматларни яратишга хизмат қилади[4].

Давлат бор ерда унинг мулки мавжуд, лекин ушбу мулкнинг миллий иқтисодиётдаги улуши турли мамлакатларда фарқланади ва мамлакат иқтисодиётининг моделига боғлиқ. Фуқаролик жамияти доирасида давлат мулки тобора ижтимоий йўналиш олмоқда, яъни умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Мулкга эгалик ва уни тасарруф этиш муайян иқтисодий муносабатларни пайдо этади ва у мулкчилик муносабатлари деб аталади. Мулк пайдо бўлиши учун мулкка айланадиган нарсалар наф келтира олиши зарур. Мулкчилик муносабатлари мулкни кишиларнинг ўзиники ёки ўзганики эканлигини билдиради. Бундай муносабатларнинг 3 жиҳати бор:

1. Мулкка эгалик қилиш, яъни мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгасида сақланиб туриши.

2. Мулкдан фойдаланиш ва уни амалда ишлатиш[5].

Мулкдан фойдаланилганда шахсий эҳтиёжларни қондириш ёки даромад топиш юз беради.

Мулкдор ўз мулкини ишлатганда эгалик қилиш ва мулкдан фойдаланиш бир кўлда тўпланади, Мулк келтирган нафни унинг эгаси танҳо ўзлаштиради. Мулк ўзгалар кўлида ишлатилганда бундан олинган даромадни мулкдор мулкни амалда ишлатувчи билан баҳам кўради.

3. Мулкни тасарруф этиш – бу мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш, яъни мулкни сотиш, меросга қолдириш, ҳадя этиш, гаровга қўйиш каби ҳатти-ҳаракатларни эркин амалга оширилишидир[4]. Мулккий муносабатларда мулкни ижарага бериш муҳим ўрин тутаяди. Ер, сув ҳавзалари, бино ва иншоот каби кўчмас мулклар оддий ижарага берилади. Қимматбаҳо машина ваускуналар (трактор, комбайн, самолёт, тепловоз,

пароход, юк автомашиналари ва вагонлар) ижараси лизинг шаклида амалга оширилади. Мулк бўлган пул маблағларни ўз эгаси томонидан, ўзгаларга фойдаланиб туриш учун бериш кредит шаклига киради. Мулк миллий бойликни ҳосил этади.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқининг нормалари муҳим роль ўйнайди. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари:

Мулкни бировнинг қонунсизэгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикатсион даъволар).Мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатор даъволар).Мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битимлар (шартномалар)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар.Ассосиз олинган мулкни қайтариш йўли билан кўриқлаш.Виндикацион даъво – бу мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишдир. Яъни, унга кўра, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Негатор даъво – бунда мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, яъни мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилишидир[4].

Мулккий ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларни ўрганишда мулк эгаларининг мулккий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мажбурият ҳуқуқига оид воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бундай мажбурий-ҳуқуқий усуллари 2 кўринишда бўлади:

- шартномавий муносабатлар;
- шартномадан ташқари муносабатлар.

Шартномавий муносабатларда мулккий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида шуни айтиш керакки, тузиладиган хима-хил шартномалар аксарият ҳолларда қонунга, шартнома шартларига риоя қилиниб тўғри ва инсофли равишда бажарилади. Аммо, баъзи ҳолларда шартноманинг айрим интизомсиз иштирокчилари шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бутунлай бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари мумкин.

Бундай пайтларда табиий бузилган мулккий ҳуқуқларни тиклаш ҳамда унинг ўзи билан мулккий ҳуқуқларни ҳар томонлама ва тўла ҳимоя қилиш масаласи кўйилади.

Шартномавий муносабатларда мулккий ҳуқуқларни бузиш турлари:

- қонун ҳужжатларининг тартибларига мувофиқ келмайдиган битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

- муомилага лаёқатсиз шахслар (ёш болалар, рухий касаллар) билан битим тузилиши натижасида мазкур шахслар мулккий зарар кўрсалар, тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилиши билан бирга, бузилган мулккий ҳуқуқлар тикланиши лозим.

- жиддий янглишиш, алданиш, зўрлик қилиниши таъсирида тузилган битимлар (шартномалар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

- айрим шартномалар (олди-сотди, ижара, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, пудрат, мулк ташиш ва бошқалар) бўйича олинган мажбуриятлар бутунлай ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида ташкилотлар ёки айрим фуқаролар мулккий зарар кўришлари мумкин. Бундай ҳолларда ҳам қонун (шартномалар)нинг ҳар қайсисини бузиш оқибатлари тўғрисида, ҳуқуқий нормалар бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишни назарда тутди[6].

Суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан олиб берилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишдан иборатдир. Айни шу мақсадда кейинги йилларда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда фуқароларнинг мулккий ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарар ўрнини жавобгар ҳисобидан қоплаш сингари низолар суд тартибида адолатли ечим топаётгани одамларнинг судларга нисбатан ишончи ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'ltmasov A., Sharifxo'jaev M. Iqtisodiy nazariya.-Toshkent: Mehnat, 1995. – 133 b.
2. Раҳманкулов Ф. Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследования). – Ташкент: Адолат, 1995.-34 б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси янги таҳрирда. www.lex.uz
4. Эргашев В. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиш ва бекор бўлишнинг илмий-назарий жиҳатлари: ю.ф.н. дисс., авт., - Т.: 2005. – Б.8-11
5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ № -163 сонли “Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz
6. V.Y.Ergashev “fuqarolar xususiy mulk huquqi vujudga kelish va bekor bo'lishning ilmiy-nazariy jihatlari”., yu.f.n. diss., atoref., - 2005. 20 b.